— Эсақ ҳам бўлади, — деймиз. — Эсангиз, мана шу Темирвойни ҳам қўшиб ёзинг. Эллик йил механик бўлдим-у, бир марта ҳам номим газетда чиқмади, деб армон қилиб юривди.

— Ҳей, Отахон, гап навбати кеп қолди деб гапирверма, — сўхтаётган аралашди Темир бобо, — мен газетда чиқман деб тараётганим йўқ. Мен шу атрофда ўралашиб юрсам, набаро чеварларимга мадад бўлади, пахтаи хом терма, деб ўргатиб тураман.

ҳам майли... Лекин телевизорда бир кўрсаткичлар, армияда хизмат қилаётган набираларимиз соғиниб юришгандир, бувики қандай ишлаётганини кўришса, хурсанд бўлишадими...

**КИРОВ РАЙОНИНИНГ** ерлари Ўзбекистон райони пахтазорлари билан тўхта, чегарадош. Ҳар икки район меҳнаткашлари ҳосилдорликни оширишда, турмуш маданиятини юксалтиришда, ободонлаштириш ишларини яна ҳам ривожлантиришда бир-бирлари билан ҳамма мусоабалашиб келишади, тажриба алмашади. Киров районида ҳам маррага етган ҳужалиқлар кўп. «Москва» колхози район ҳужалиқлари орасида карнобоши бўлиб бормоқда. 24 бригаданинг деярли ҳаммаси ҳозир мажбурият ҳисобига пахта тоширмоқда.

— Ҳарқалай илгорликнинг бирор сирин бордир ахир? — деб сўраймиз Тўғонбой Пулатовдан.

— Ҳамма гап кайфиятда, — дейди бригадир.

— Тушунтирибко айтсангиз? — Аъзоларга яхши шароит яратганмиз. — Ҳозир ҳамма жойда ҳам шароит яхши. — Йўқ, бизники сал бошқачароқ. — Масалан?

— Ана, кўриб турибсизлар, ерданчи ҳужалиқда 15 та бурдоқ қўй, 10 та қорамол боқайлик. Омборхонада ошқовқондан тортиб сабаи-пийезгача, узум-у, ўрикдан тортиб, боринги, ловия-мошгача тирбанд қилиб қўйганмиз. Аъзоларимиз ҳеч нарсасга зориқтирмаймиз. Йил-ўн икки ой текин оват... Яқинда бир новосини минг сўмга пуллаб, аъзоларга гуруч, чой, қанд-курс... олиб бердим. Ҳамма-сининг кайфияти яхши.

— Ҳосилдорлик қандай бўляпти? — Эллик беш центнердан ҳам бўлмайди. — Сифати-чи? — Толани айтасизми? Маҳалий ўғит солиб, ишлов берган ерларимиздан 36—38 процент тола чиқяпти. — Илгор теримчиларингизни айтсангиз. — Бизда ҳамма илгор...

Катта тўй йилида ҳамма илгор бўлиши, қолоқ механизатор, қолоқ теримчи деган тушунча бу йил бўлмастлиги керак. Сирдарё бўйида, қум барханлари орасида янги ташкил этилган «СССР олтинчи йиллиги» совхоз меҳнаткашлари ана шундай юксак мақсад билан меҳнат қилмоқдалар. Инсон азму-қарор қилса, унга ҳамма нарс бўйсунар экан. На «қўқон» шамолининг дахшатли увиллашлари, на кўчиб юрадиган барханларнинг тўсатдан қиладиган босқинлари, на шўрхон ерларнинг илжинкиликлари — ҳеч нарсани ҳамма азаматларига тўсиқ бўлолмастлиги. 1600 гектар ерга пахта экиншибди, мўлжал ҳам чакки эмас, 30 центнердан Плянини аллақачон 120 центнердан ошириб юборган Турғунчи Нейматов, Ашурбой Юрбаев сингари тажрибали йигитлар бошчилик қилаётган бригадалар бир-икки йилдаёқ еришни оби-тобин келтириб, «жилов» олишибди, ҳосилдорликни 40—45 центнерга кўтариб юборишди.

«Ленинбобо» бўлимининг бошқарувчиси Турғунчи Аҳмедов — пахлавон йигит, елкалари кенг, мулоҳазалари чуқур, сўзлари маънодор. Чўл бургути, деб ана шундай йигитлар ни айтганга керак.

**КҮП ЕРЛАРИМИЗНИ** гўза айна шоналаган пайтда қум босиб қолди, — шомасдан гапирар бошлади йигит, — ўша кунлари бўлган машаққатни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади, сут-касига йигирма соатлаб ишладик, челақлаб ташидик қумларни! Қўлимдан келса, бўлимининг ҳар бир аъзосига биттадан ҳайкал қўярдим, ўнг томонингиздаги мана шу қум тепани кўринг, чап томонингиздаги мана бу ҳосилни кўринг, олди тўлда 40 тадан кўсақ пишиб берди-я... Йўқ, юбилей йилида бизнинг ҳам юзимиз ёруғ бўладиган бўлди!

— Толанинг чиқиси қалай? — Шоаётганларнинг йўқми? — Йўқ.

— Бўлмаса гапни сал узоқроқдан бошлайман... — дейди бўлим бошчилиги. — Йил бошида районда катта йигит ўтказилди. Районимиз биринчи секретари ўтирганларга мурожаат қилиб, қани айтилган-чи, қўй беш ойда, гунаҳини салқин ойда турса нима бўлади, деб сўради. Ўтирганлар бир оғиздан: «Нимжон бўлади», деб жавоб қайтаришди. Бу — бор гап. Ленин, унга қўпича амал қилмас эдик... Гўза ҳам шунақа. Қўсақларини яхши пиширдик бу йил, биринчи терим 38 процентдан тола берди, кўриб турибсиз, суръатимиз ҳам чакки эмас, плани терим бошидеқ тўлдириб қўйганмиз. Мавсум охиригача бўлим бўйича гектаридан 40 центнердан берамиз, деб турибмиз...

Қайси ҳужалиқда бўлманг, хоҳ оддий колхозчи-ю, хоҳ раҳбар билан гаплашманг, ҳаммалари суръат сифатга ҳалақит бермаслиги керак, деган гапни айттишмоқда.

Катта меҳнат ғалабаси арафасида турган Фарғона фидойиларининг бугунги кайфияти ана шундай.

## ПАХТАЗОРДА ҲАР БИР КУННИМИЗ ЗАРВДОР БЎЛСИН!

**ТАНИШИНГ:**  
**ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ**  
**ПЕШҚАДАМЛАРИ**

● Республикамиз пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги шарафига ўзaro мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Механизаторлар ва чевар теримчилар ўз иммаларидаги мажбуриятларни бажариш учун фидоикорлик кўрсатишяпти.

Суратларда: 1. Норин райондаги Энгельс номи колхознинг механизатори Мингбой Обидов. У мавсум бошдан бери терган пахтаси 230 тоннадан ошиб кетди. 2. Буниний райондаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси Гулзира Йўлдошева қўпнинг килограммчилар ҳаракатида биринчилар сафида бормоқда. У айна кунларда хирмонга 140—150 килограммдан дурдона тўкмоқда.

Р. Гафуров, Х. Ҳайдаров (ЎзТАГ) ва Р. Утамуродов фотолари.



# ДОЛЗАРБ ДАМЛАР

**— Ҳарқалай,** карвонбошилар бордир? — Бор, албатта. Сотволди Худойкуловни ёзинлар, гектаридан 45 центнердан тоширди, яна 10 центнердан бормоқчи. Умонжон Йўлдошев бошчи бригадаси эса, бу йил планини 150 процентдан ҳам ошироқчи, яъни гектаридан олтинчи центнердан берамиз, деб туришди. Шунга яраша ҳосили ҳам бор. Ҳали иккинчи терим бошланмаган ерлари кўп. Улар Собиржон Ҳамроқулов бошчи бригадаси аъзолари билан мусобақа ўйнашган, лекин Собиржон ҳам чакки эмас. Мажбурият ҳисобига пахта тоширяпти. Энг муҳими, бригадирларимиз пахтанинг сифати учун курашишяпти, бу йил оқилмаган чаноққа қўл узатмадик, аслида деҳқоннинг ораси ҳам шу бўлди. Ҳар еттиштирган ҳосилни ўзи хом-хотала териб, юраги аччиб юрарди, плани фақат биринчи навли пахта билан тўлдирикди, биласизми, бу нима дегани? Бу — миллион-миллион қўшмача даромад дегани!

— Утган йилги тола қандай бўлган эди? — 28 процентдан чиқувди. — Бу йил-чи? — План 33 процентдан белгиланган. — Шунга етиштирми? — Эрта экинган пахталаримиз 40 процентгача тола беришти.

**ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИ** йигиб териб олишда ҳамма учун умумий бўлган тартиб-иштомдан ташқари ҳар бир ҳўсалнинг ўзига хос интизом, ўзига хос ташаббус ҳам бўлади. Бу ҳўсалнинг олдига иккинчи бўлиб маррага етишда колхозда яшаб турган кексаларнинг бераётган ёрдами ҳам, бошқа омиллар қатори ҳал қилувчи роль ўйнади. Колхоздаги Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, пенсияер отахон ва онахонлар — теримнинг дастлабки кунларидаёқ енг шимариб далага чиққанлар. Район газетасининг 4 октябрь сонидан барча тенгдошларига мурожаатнома эълон қилганлар ҳам шулар. Мурожаатномада мана бундай сўзлар бор:

«Ҳамма қатори биз ветеранлар, пенсияер отахонлар-онахонлар ҳам бу йил гўза чопниги, яғанаси ва бошқа юмушларда ўғил-қизларимизга баҳолли кудрат берди, фойдали маслаҳатларимизни сира ҳам аямасдик. Бугун пахтакор фарзандларимизнинг фидойи меҳнатлари билан бўлиб бўлган «оқ олтин» лар тарозига қўйилмоқда... Мўл ҳосил учун, олий сифат учун чинакам кураш бошланиб кетди. Бу курашда ҳеч ким четда қолмаслиги керак».

Катта тағолилик кексалар пахта тараётган пайнада бўлидик.

Пўлатов бобо айтди: — Бундан қирқ йил олдин мана шу ерлардаги дўппидеккина колхозга раис эдим.

**РАНИОВОД СОВХОЗИ** райондаги энг йиринк ҳўжалик, ганибодликлар бу йил салкам 14 минг тонналик хирмон кўтариш учун курашишяптилар. Маҳбубахон Абдусаматова, Раҳимжон Муродов сингари тажрибали деҳқонлар бош бўлган бригадаларда план ҳам, мажбурият ҳам аллақачон ўринаштириб қўйилган. «Оқ олтин» участкасида эса Гафур Гулом номидаги колхознинг отахонлари мурожаатномасига жавобан, онахонлар янги ташаббус билан чиқишди. Турғунчи, ташаббусни онахонлар улардан ҳам эртароқ бошлаган экан: 14 кампир Маҳмуджон Тўраев бошчилик қилаётган бригадаси оталик (эхтимол, бу ибора унчалик тўғри келмас, оналик деб атамақ мақбурроқ бўлар) қилишяпти, улар беш гектар ер ажратиб олишиб, яғанасидан тортиб то иккинчи теримгача ўзимиз қўлдан чиқарамиз, дейишган экан, ахдларнинг устидан чиқишяпти.

Сорабуви хола айтдикилар: — Мухбир болам, ёшим сансонда. Шундан қирқ йил пахтазорда ўткан. Бир вақтлар биз ҳам стахановчилардан эдик. Энди бўёгини ҳам очиб айтивераримиз? — Айтиверинг.

— Айтиверам. Ҳозирги ёшлар сал шошқалоқроқ бўлиб ўсишяптими, дейман... Мағанларда доқа ўрмол йўқ, сабабини суриштирамак, пахтаи хом-хотала теришяпти экан, илгари бирам пахталар бўлардики, чаноқдаги пахтага ҳовучинг туларди... Ўшана қанги пахта етиштирайлик, деб бир бел боғладик-да, болам!

Онахонлар сардори Маҳмуда буви айтдикилар: — Сорабуви холам тўғри айтдилар, бир томони сифатли пахта ташвиши, яна бир томони ўғил-қизларимизга ёрдам, дедик, қолдирверса, бу йил катта тўй. Тўйга биз ҳам соғва билан борабдик, дедик-да... Фақат бир илтимосимиз бор.

— Нурсўдиқ чолларнинг мурожаати газетда чиқинди? — Чинди. — Нега бизники чиқмапти? — Сизлар ҳам мурожаат қилганмидиларингиз? — Райондаги барча кампирларга: «Ҳой, овсинлар, уйда ўтираверманглар, далага чиқинглар», деб мурожаат қилувдик... Илгор теримчилардан Кимсанбуви айтдикилар: — Эгачим тўғри айтди, Нурсўдиқ чоллардан ҳеч ордада қолаётганимиз йўқ, ўн тўрт кампир терим бошида 12 тонна теримиз, деб маслаҳат қилувдик, кунни кеча бошқа маслаҳат қилдик, катта тўйга ўн тўрт тонналик оппоқ дастурхон билан борамиз. Мурожаат чиқмаси

даги Ленин номи совхоз пахтакорларига теримда ердан бермоқдалар. Маорифчилар кунига 5—7 тонна «оқ олтин» термоқдалар. Улар ўртасида кўпнинг килограммчилик ҳаракати кун сайин кўлоқ аймоқда. 30-ўрта мактабдан Анваржон Қаландаров, 38-ўрта мактабдан Роккияхон Мамадалиева, Соҳидихон Қозқоғов сингари педагог ва пионер вожақчилар бир-бирлари билан ким ўзига мусобақалашиб, терим суръатини оширмақдалар. Шаҳар маорифчиларининг совхоз хирмонига қўшган «оқ олтин» юз тоннадан ошди.

Совхоз маъмурияти ҳаешарчиларга барча кулайликлар яратиб берган.

**Р. ИМИНОВ,** Андижон пойабзал фабрикасининг ишчиси.

Шунингдек газетхонлардан С. Уроқов (Самарқанд), Б. Мавлонов (Андижон), С. Жумаев (Жиззах), Х. Аллаев (Қашқадарё), М. Тўлаева (Фарғона), А. Толпопов, А. Набиев (Тошкент), А. Бегматов (Навоий) ва Ф. Едгоров (Бухоро) ҳам пахта теримига муносиб хиссалар қўшаётган қалби қайноқ ишчилар ҳақида редакция-мизга хат-хабар йўллашган.

## СТУДЕНТЛАР ХИРМОНИ

Тошкент давлат университетининг олти мингдан ортиқ студенти айна кунларда Оқолтин районидан «СССР 60 йиллиги» Усмои Юсупов номи, Ворошилов номи совхозларда пахта термоқда. Студент-теримчилар ўрта-сида социалистик мусобақа намунали ташкил этилган. Ҳар беш кунда мусобақа якунланди, голиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

Утган беш кунлик якунларига кўра ўзбек филологияси факультети студентлари ҳар бирининг ўртача кунлик терган пахтаси 63,9, математика факультети студентлариники 56,9, химия факультети студентлариники эса 48,4 килограммин ташкил этди.

Университет студентларининг шу кунгача терган пахтаси 5200 тоннадан ортиб кетди. Физика факультетидан Одил Маматқаримов, Дифуза Турғункулова, Нодира Назирова, журналистика факультетидан Зарбуви Олқарова, ўзбек филологияси факультетидан Гулбаҳор Топилбаева, математика факультетидан Муқаддас Турдибоевалар ҳозиргача 3—3,5 тоннадан «оқ олтин» териб студентлар хирмони юксалишига муносиб ҳисса қўшдилар.

**Д. ҚИРГИЗБОВ.**



## ПАХТАЗОР ИЛҲОМЛАРИ

### ОЙДИН ЙЎЛ

Дарё соҳилида қишлайди кундуз Ороқдан қолмас кеча ва кундуз Қўқинг— олсинида бор «Олтин юлдузи» —

## ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Олтмириқ райондаги «Октябрь 60 йиллиги» кўрнқ совхозига йиллик план бажарилиди. Бу ерда 459 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 19,2 центнердан ҳосил олинди. Гафур Юрбаев, Турғунчи Нейматов, Каримжон Фақиматов бригадаларида йиллик план 115—120 процент адо этилди. Ҳўжалик коллективини давлатга яна 300 тонна хом ашё топиши, ҳосилдорликни 25 центнерга етказишга сўз берди.

## Пахтакорга ҳамма мадагкор УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

**ФАРҒОНА.** Фрунзе районидеги Садриддин Айнӣ номи 33-ўрта мактаб ўқувчиси Чарос Аҳмедова айна кунларда синфдошлари қатори Керл Маркс номи колхоз далаларида меҳнат қилмоқда. Чарос теримда ҳам илгор, кунига 140—150 килограмдан пахта териб, тенгкўрларига ибрат бўляпти. Бошқалар ҳам ундан ордига қолмаслигига ҳаракат қилмоқдалар. Чарос ва унинг дўғоналари юбилей йилида 5—6 тоннадан пахта териб беришга эди қилган.

**ҚАШҚАДАРЁ.** Билим юртимиз коллективни Ульнов районидеги «Партия ХХ съезди» совхоз пахтазорларидан хашар қилмоқда. Группалар ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу нарсаси терим суръатига суръат қўшяпти. Ҳар бир йигит-қиз кунлик нормани ошириб бажаришга ҳаракат қилаётир. Айнӣқса, Д. Шаропов, Т. Сандов, Ш. Рустамов, Ф. Ўхтаева каби комсомоллар мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Билим юрти талабалари «Республикамизнинг улкан пахта хирмони бўлиб этлигига қадар ёшларнинг ўрни далада!» ишлари остида меҳнат қилмоқдалар.

**Х. НУРАЛИЕВА,** Ульнов райондаги 13-ўрта хўнар-техника билим юрти бошланғич комсомол ташкилотининг секретари.

**АНДИЖОН.** Шаҳар халқ маорифи бўлимининг 200 дан ортиқ ходими Андижон райони-

## ЛАФЗ ВА БУРЧ

### РЕПОРТАЖ

Ҳонқа райондаги Ленин орденли Озунбобоев номи колхоз Хоразмда карвонбоши бўлиб дастлабки марран эгалади. Халқ ҳўжалик плани бажарилиди. Эл хазинасига 7300 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. 1862 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39,4 центнердан ҳосил йигиб олинди.

— Репортаж имзо чека туриб, анимамиздаги юксак мажбурият тўғрисида ўйладик. Бу лафз ва бурч масъулияти. Ахир, қабул қилган мажбуриятимиз салқинчиликни англаб, план бажариладиганидан сўнг ҳам кунлик ишнинг камайтирмаслигига қатъий бел боғлаганмиз, — деди 60 центнерчи бригаданинг бошчилиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими Ҳўжаниёз Собиров.

Ҳўжалик далаларида бўлганимизда, азамат пахтакорларининг лафзи қатъий оналигини ишонч ҳосил қилдик, терим-транспорт зенонларининг иши аниқ график асосида ташкил этилган, агрегатларнинг бегўхтов, унумли ишлаши таъминланяпти. Дала гардиячилари гуруҳа бўлиб ишлаётган карта ёнида тўхтадик. «Зангори кема»лар парвози бир зум ҳам тўхтамайди. Йигитлар-

дан бири машинани карта-нинг чеккасига олиб чиқди, бункердаги пахтаи телекага агариб, яна далага шошляди.

— Раҳимбой Қаландаров, оловқалб комсомоллардан. Ҳозиргача терган пахтаси 150 тоннага етди. Мусобақадони Даплат Очилов, хўлана, пайналининг ўртасидаги йигит, у ҳам бўш келмапти. Икки мева мусобақадонида тенглашиб олди, — деди мамнун оҳангда гуруҳа раҳбари, участка агрономи Овд Ҳакимов.

КПСС аъзоси, илгор меҳнат-қайдоғчи Зулфия Исмомлова билан пайнал бошида бир лаҳза мулоқотда бўлидик.

— Ҳорманг, Зулфияхо! Чарчамасизми? Ишнинг унуми қандай?

— Чарчайдиган кунларми! Республикамиз маррага етиб олса, чарчодан асар ҳам қолмайди. Ҳали дала-лардан баракета кетгани йўқ, кунига 4—5 тоннадан теримиз. Жами терганим 150 тоннага етди.

**Ф. ЗОХИДОВ,** «Совет Ўзбекистони» муҳбири.

### ТАБАССУМ ПАХТАЗОРДА

Республика радиосинини «Табассум» радиожурнали ижодкорлари ҳамда ижрочилари Тошкент области Янгиқул районидagi «Коммунизм» колхозининг дала шийпонида пахтакорлар билан учрашди.

Учрашувда тангли санъаткорлардан Суръат Пулатов, Хусан Шарипов, Райхон Тўраева, Шухрат Рўзихонов, Абдуллоҳ Мамадуллоевлар ўз репертуарларидagi энг яхши интермедия, ҳажви, ҳажвий шеърлардан пахтакорларга ўқиб бердилар. Хонадандардан Х. Исроилова, У. Таваккалов, Х. Исроилов «оқ олтин» ижодкорларини тараннум этувчи куй ва кўшиклардан ижро этдилар.

С. САЙДУЛЛАЕВ.

### САХОВАТЛИ КИШИЛАР

Муборак районидagi Жданов номи совхозда истекомат қилувчи соқиб меҳнаткор, меҳнат ветерани Норкул Хошимов пахта йиғим-терими ажл олган шу донлар кунларда қайтадан «этангори кема» рўлига ўтирди.

У бу йил 300 тонна пахта териб беришга аҳд қилган. Айни кунларда Норкул Хошимов ҳар кун «пўлат от» этангидан 6-7 тоннадан пахта тўқмоқда.

Шунингдек райондagi «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозиде истекомат қилувчи пенсионер қаришлар ва уй бақаришдан 100 кишидан иборат кўнгилли хашарчилар бригадаси тузилди. Хашарчиларнинг ташаббусидан совхоз кўчкўрларнинг мамуни бўлишмоқда. Кўнгиллилар бригадаси эъзоларидан Х. Мирзаева, С. Хатамова, Г. Жўраева, К. Мунавварова, Г. Эшонқуллова, К. Тожибоева ҳар бири кунга 60-70 килограммдан «оқ олтин» термоқдалар.

Н. ТОҒАЕВ.

### ДАЛА ШИЙПОНИДА

Хоразм области Янгиқул районидagi Киров номи колхозининг б-ригадга шийпон иришкор пахтакорлар, меҳнатзилор ва хашарчилар билан ташаббус.

Шийпон плакат ва кўргазма стандарт билан безатилган. «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб оламиз» деган маъносидagi эълан алвон кўринишда жойга ичиб қўйилган. Шийпон ичидagi хоналар кўнгилдагидек жиҳозланган. Кутубхона доимо ташаббус билан таъминланган. Шийпонда колхозчилар душга тушишлари, телевизор кўриб, радио эшитишлари мумкин. Онамлар ва болаларга алдоҳда эътибор қаратилган. Колхознинг сабаботчилик бригадасидан мева, сабзавот келтириб турилади.

Дала меҳнатчиларининг ичкиничи уйна ҳисобланган шийпонлар киройи шундай бўлса, дейсиз.

Н. НАБИЕВ.

### ТОШКЕНТ. ЧССРНИНГ «АЛБ-БАТРОС» НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИЛГАН КЎПЛАБ АСАРЛАР ПОЯТХИМИЗДА ОЧИЛГАН КЎРГАЗМАГА КЎЙИЛГАН.

Ўзбекистон ва ЧССРдаги ёш китобхонлар учун мўлжалланган нашриётларнинг коллективлари кўп йиллардан бери ҳамкорликда ишлашяпти. Утган йили дўст мамлакатда «Еш гвардия» нашриётида чиқарилган китоблар кўргазмаси ўтказилган эди. Суратда: ёш китобхонлар «Алб-батрос» нашриёти кўргазмаси ёнида.

Н. НУРИДИНОВ ФОТОСИ. (УзТАГ).

# ВАТАН УЧУН ЖОННИ ТИККАНМИЗ



Бош врач ўринбосари Акрอม Бакирович хонасида кириб келган бемор кўлидаги йўлланмага мамун кўз югуртириб кўйд.

— Жуда хайрли иш бўлди-да, — дея трубкини жонига кўйд бош врач ўринбосари ва атрофидогиларга хурсанд қараб кўйд. — Касалхона қошида бутундан бошлаб янги поликлиника иш бошлади. — гаинда давом этди у. — Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидлари яна бир кўлаб янги яратилди. Беморлар шу поликлиникада анализ тошириб, врачлар кўригилардан ўтишди ва шифокорларнинг кўрсатмалари билангина бизга ёки бошқа даволаш шифохоналарига йўлланма олинди. Шу пайтгача бу иш бизнинг бўлим зиммасида эди. Беморнинг касаллиги аниқлангунча бир ҳафта, ўн кун ўтиб кетарди. Энди-чи? Эндиликда бемор касалхонага қабул қилинган кундан оқ даволаш бошлаб юборилаверади. Маана, Сиз, ўртоқ Тешабой Маждидов, — у қаршисидаги беморга мурожаат қила бошди. — Чинобод санаторийсига йўлланма олгунча, Самарқанддан Тошкентга келиб, касалхонага этиб вақтингизни ўтказдингиз. Ана шу поликлиника илгарироқ ишта тушганда борди, касалхонага этиб кейин санаторийга йўлланма олишга ўрин қолмасди.

— Ҳечқиси йўқ доктор, ҳечқиси йўқ... Сизга, ҳаммагизга минг раҳмат. Хайрлашгани кирувдим...

— Яхши бординг, доим саломат бўлинг, — ўридан турди Акром Бакирович. Соллигинга ҳақида ёзиб туринг. Лозим бўлса яна бизда даволанаверсиз.

Бемор кўлини кўксига кўйиб хонадан чиқиб кетди. Кираверишга Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидлари бўлими, деб ёзиб қўйилган тегириги бўлимини айланиб юрганмишда ҳам бош врач ўринбосари Акром Бакирович жонқурлик билан ҳали у стендини кўрсатди, ҳали бу муолажа хонасидаги кўлаблар, янги медицина

асбоб-ускуналари, аппаратларининг хосиятидан сўзлайди. Кейин палатага бошлайди. Еруғ, шинам, ички кишилик хонада сигналзация, телевизор, хололидник, чўдгек гилам. Кўргазма палата бўлса керак, деган ўй кўнгилмишдан ўтади. Бошларини ҳам бир-ма-бир кўздан кечираётган эса бунда ҳеч нарса кўргазма билан эмаслигига, балки ҳаммаси ўша биз кўрган дастлабки хонадагидек жиҳозларни шинам, қулай эканини, бунда ҳамма нарса инсон, унинг сиҳат-саломатлиги учун қаратилганлигини гувоҳи бўламиз.

— Ҳа-я, — кўз ёшларини арта бошлади Селеванова ҳижолат чекиб. — Биласизми, Улуғ Ватан уруши биз совет халқларига жуда-жуда қимматга тушди, — деди у гаинда давом этаркан энтикиб. Уруш ёшларимизни, ота-оналаримиз, ўғлонларимиз, қарчигайдек ака-укаларимиз, азиз умр йўдошларимизни бағримиздан қилиб кетди. Қола-

## САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

— Бу ерда биз, беморларга яратилган шароитлар, кўрсатилган гамажурликларга миннатдорчилигимизни сўз билан ифодалашга оқимиз, — дейди Сирдарё области Гулистон районидagi «Ўзбекистон» колхозида ишовчи Улуғ Ватан уруши 2-группа инвалиди Маъмир Ашуров. — Даволаш шифокор Омина Жамолиддинова ҳар кун ички бор соғлигини кўздан кечиради: қон босимини ўлчади, қорамни эшитди, — гаинда давом этди у. — Партия ва ҳукуматимизнинг биз, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, инвалидларига кўрсатилган гамажурликдан бошимиз осмонда. Ватан учун жонини тиккан одамларимиз. Керак бўлса, халқимиз, Ватанимиз ҳимосига, тинчлик учун курашга ҳамма шайимиз.

Акром Бакирович Акроб аёллар палатасига кираришда турган баланд бўйли, сочлари олоқ бемор билан илқ саломлашаркан, ундан хол-аҳвол сўрайди. Аёл эса янаво ўрнига кўзларига гилт-гилт ёш олд.

— Узингизимиз, Вера Ивановна? — хайратланди Акроб.

— Эртага операция, негадир ҳажжонланган...

— Уруш кўрган одам деб



Фаргона райони марказидagi «Орзу» мамийи хизмат кўрсатиш цехининг чевари Маъмураҳон Юсупова ҳижолат буюртмачилар ҳақида савийи сўзлар айтишди. У тиккан кўйлаклар буюртмачиларга манзур бўлаётди. Социалистик мусобақа пошқадим М. Юсупова ойлик планларини доимо ошириб бажармоқда.

Н. Раҳмонов фотоси.

## НОЗ-НЕГМАТЛАР ЯРМАРКАСИ ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Серкўёш ўлкамиз областидagi далаларида етиштирилган полза махсулотлари, сабзавот ва мевалар Тошкентда очилган ярмаркаларда сотила бошлади. Хар йили Улуғ Октябрь байрами арафасида шулай ярмаркаларни ташкил қилиш анъанага айланиб қолди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллиги арафасида очилган бундай ярмаркалар шаҳримизнинг ўн икки ерида аҳолига хизмат қилмоқда.

Жизқабла области далаларида етиштирилган қара, қовоқ, сабан, болдинг ва бошқа ноз-негматлар метронинг «Чилонзор» станцияси атрофидagi ярмаркада, Андижондан келтирилган қовунарғуз, лимон ва шу каби махсулотлар «Фарход» бозори яқинида, Бухоро ва Сирдарё сабаботкор ва соҳибдорлари етиштирган ноз-

негматлар эса Фрунзе районидagi тўғимачилик комбинати ва Марказий бозорда, Сурхондарё ва Фарғонадан келтирилган анор, узум, ёнгоқ ва бошқа сабабот-мевалар Қорақамин ва Тракторсозлар бозориди, Навоий, Наманган, Қашқадарё ва Самарқанд областининг деҳқонлари етиштирган полза ва сабабот махсулотлари 1-Қорасув массивидagi бозорчада, Шолохов кўчаси, Сергелидаги ва Ленин районидида жойлашган кўч бозорлардagi ярмаркаларда сотилади.

Олтин кўз ярмаркаси 6 ноябрда давом этди. Ҳамшаҳарларимиз учун 470 тонна картошка, 177 тонна узум, 146 тонна анор, 460 тонна олма, нок, беҳи, хурмо, 580 тонна қовун, 660 тонна тарвуз, 60 тонна асал, 125 тонна хар хил туртилган кишиш каби махсулотлар сотилди.



## АЛЬПИНИЗМ МУЗЖИЛГА ЧЎҚҚИСИНИ КЎЗЛАБ

Альпинизм бўйича республика тарма командаси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигига бағишланган тоғ забторлигига шайланмоқда. Тренерлардан В. Элибеков, Т. Муамид, А. Путицевлар бошлиқ 25 нафар альпинист Помир тоғининг Баландлиги 6376 метрли Музжилга чўққисини забт этишга пухта ҳозирлик кўрди. Чўққа чиқиш 10-30 ноябрь кунларига мўлжалланган. Бу орада спортчилар денгиз сатҳидан 2700 баландликда жойлашган Олтинмозор гидрометеорология станцияси атрофида чодрлар тикиб, асосий «ҳужумкорликка» ҳозирланадилар. Альпинистлар энг қийин шароитларда қариб 4 миғ метрлик баландликларни забт этадилар.

Уч йил аввал республикамиз альпинистлари Музжилга чўққисини эгаллашга ҳаракат қилишган эди. Қуйида ўша забторлик иштирокчилардан бирининг хотиралари билан танишсиз.

Вертолет Фаргона осмониде икки бор айлантач, баландлик олиб, тоғли адирлар томон парвоз қилди. Олой тизма тоғлари яққол кўзга ташланиб турган жойлар, дарралар тепасидан учиб, қорли қовларга чоп беришга тўғри келди. Кўп ўтмай, қорли доводдан ўтилагач, пастда шагал тошлар ва музликлар билан қопланган Олой водисини кўриди. Яна бир неча минутдан кейин Олтинмозор гидрометеостанция ҳодимларининг уйчалари яқинида ерга кўндим. Биз забторликка мўлжалланган кийим-кечақлар ва озин-оқатлар билан тоғлар бағрида қолдик.

Бу ерининг Олтинмозор деб аталлинини боиси бор. Емиргили кунларда буй чўзган ўт-ўланлар, қамшизор-тўғайзорлар Муқсу жылғаси атрофларида ёзда яшша турса-да, барвақт салқин тушиши билан қуриб, олтиндек тус оларкан. Шунинг учун

## СПОРТ

альпинистлар бу ерга Олтинмозор номини беришган бўлса, ажаб эмас.

Уч кун мобайнида тоғ ҳавосига мослашиб олгач, йўлга тушидик. Эрта тонгдаёқ майда тошлар «социлан» билан қопланган ўтиш муқсу жылғасининг бошланги еригача бордик. Баландликка кўтарилиш олтидан оёқларимиз остида муз қирсиллаб, ёкимиз шабада юз-кўзларимизни чимдий бошлади. Яна 400 метр юрганмишдан кейин қорли қийликларга ўтидик. Олисдан Тарсагарнинг эгарсимон қовларига Дарвинский, ундан нарида Ленин чўққисини кўзга ташланиб турарди. Биз арқон ёрдамида ўзга боғланиб, қорли қовларга тирмашганимизга юксакликка кўтарила бордик. 4 километрлик баландликка чиққанмишда кенгроқ майдонча тоғиб, сўнгги забторлик олтидан дам олишга тўғри келди. Юксакликдан Музжилга ҳам кўриниб қолган. Чодир тикиб, ношушга қилиб олгач, тоғли суку-

## МАДАНИЙ МЕРОС — ВОЙЛИГИМИЗ ЯМПИҚҚАЛЪА ТОПИЛМАЛАРИ

вақтида хоналарнинг биридан вақт ўтиши билан кўкариб кетган мис тангалар, тегирига қора туш билан ёзилган хат ҳамда ўрик, шафтоли денаклари, қовун уруғлари, ёнгоқ ва пахта чоноғининг қолдиқлари топилди. Буларнинг барчаси ўрта асрларда шаҳар атрофида гуллаган богроғлар ва пахтазорлар бўлганлигидан Араб беради.

Шунинг ҳам борки, бу археологик топилмалар катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, ўрта аср Хоразм шаҳарлари ривожланиш тарихи, маданияти ва санъатининг ўрганишда катта ёрдам беради.

Б. АВАЗМЕТОВ.

натда ҳаммамизни уйқу элтиди. Ленин ярим тунга бораганда гумборлаган товуш уйғотиб борди. Атроф тоғларда қор ўриқчилар бошланган эди. Гумборлаган овозлари тоғ ўриқчиларга урилиб ваҳимали акс-садо беради, кўчкўнлар-кўчкўнларга улашиб кетарди. Қор кўчиши уч кун давом этди. Биз база лагери билан мунтазам боғланиб турдик. Кундузлари ҳам атрофини кўриб бўлмас, кўчкўнлардан кўтарилган гу-бор, туман об-ҳавони ёмонлаштирган эди. Аммо умид-сизланмадик. Тўртинчи кунга бораганда, забторликнинг тўхтаганилар, деган команда олтидик.

Энди пастга тушиб олиш ҳам муаммага айланди. Чунки, ҳаммаёқда булутлар сузиб юргандек, ҳеч нарсани кўриб бўлмадик. Куннинг ичкиничи яридан бошлаб ҳаво бироз ёришандек бўлди. Биз қор уюмлари, муз босган қовлар, бетиним совуқ шамолларга дош бериб, лагерга етиб олдик. Ҳаммамиз ҳам чарчаган, совуқдан ҳолимиз тағ эди. Энг муҳими, лагерида бизни қайноқ чой билан меҳмон қилишди... Хуллас, забторликда омадимиз келмади. Биз вертолетни кутарганимиз, Музжилга чўққисини дурбин орқали қайта-қайта кўздик. Унинг муз билан қопланган улдувор учбурчакли чўққисини ҳаммамизни чорлаб турган эди. Биз бу чўққига албатта байроқ тикамиз деб, аҳд қилдик. Демак, кураш давом этади.

### ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 НОЯБРЬ, ЖУМА

МОСКВА-1 9.00 — Время. 9.40 — Кирилл кўнгиноқлар. Вадий фильм. 4-серия. 10.40 — Мультифильмлар. 11.10 — Бу-тунигитифоқ ва халқаро кон-курслари лауреатлари С. Найк чадаи. 11.25 — Телефильмлар. 12.15 — Ва 15.00 — Ингиллизлар. 15.30 — Хунишадий фильмлар. 15.55 — Мультифильмлар. 18.05 — Любовь. Казановский. куйлайди. 18.50 — Рус тили. 17.20 — Вьетнам санъати. 17.55 — Мультифильмлар. 18.45 — Сиз яратган бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳам-дўстлар. 20.00 — МТ ва ВР эстрада-симфоник оркестрининг концерт. 20.30 — Кирилл кўнгиноқлар. Вадий фильм. 5-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. СССР чемпионати. «Торпедо» — «Зенит». Танаф-фус пайтида Дунё воқеалари. МОСКВА-11. 9.00 — Гимнас-

фильм. 20.30 — Кирилл кўнгиноқлар. Вадий фильм. 6-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Океанико концерт студиясида ёшлар кечаси. 24.00 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 00.15 — Янгиликлар.

МОСКВА-11. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Болалар фольклор — коллективларининг концерти. 10.10 — Захриддин Мухаммад Бобур. Телефильм. 10.35 — Тонгги почта. 11.05 — Хужжатли фильм. 11.15 — Ритмик гимнастика. 11.45 — Ленинград телестудиясининг программаси. 13.15 — Телефильм. 14.25 — Киномомша-бин ҳамроҳи. 15.10 — Хужжатли фильм. 16.00 — Хоклей. Торпедо — Спартак. 17.25 — Илмий-оммабоқ фильм. 18.20 — Интерфурор — 84. 19.10 — Халқаро омаор. 19.25 — Поэзия. 20.00 — Музикали кюск. 20.30 — Тунинг хайри бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Здрорье. 21.30 — Время. 22.05 — От ўйини. Вадий фильм.

23.30 — Хоклей. Дивано — Сонол.

ТОШКЕНТ-1. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Болалар учун фильм. 10.55 — Хужжатли кино яриши. 11.40 — Матонати кишилар. Вадий фильм. 1-серия. 13.00 — Қалб армуғини. Очиқ шоир Эшмухамедов. 13.20 — Созандалар ҳақида кинолар. 14.00 — Хужжатли фильм. 18.05 — Мультифильм. 18.20 — Войче-чак. 18.50 — Оламга савҳат. 19.20 — Ахборот. 19.50 — Телевизион миниатюралар. 20.55 — Эстрада концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Санъаткорлар — пахтакорларга.

Тонингистон телевиденисининг программаси.

РАДИО

2 НОЯБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ҳаёқ шоирларининг шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар. 9.30 — Совет Ўзе-

кистони: одамлар, ишлар, ва режалар. 11.15 — ЗаССР халқ аргети Э. Нуродов. 12.10 — Ўзбекистон индустриаллий. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Хужжатликининг арқин одими. 17.00 — Е. Образцова концерти. 19.25 — Эшлин.

3 НОЯБРЬ, ШАҲБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Олтин водий кўшиқлари. 9.30 — Халқ ансамблларининг концерти. 10.15 — Дугоналар. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ишлаб чиқариш илгорлари учун музикали программа. 14.00 — Депутатлар ташаббуси амалда. 17.00 — Ёшлар учун музикали соат. 18.15 — Халқ-орзу кундалик. 18.30 — Ҳовли-мидаги стадион. 19.25 — Эшлин. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Шанба оқшомида. 22.30 — Футбол. СССР чемпионати. «Металлист» (Харьков) — «Пахтакор».

### РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЕТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ вақант вазибаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари: 2-рус тили амалий курси, педагогика ва тарбиявий ишлар методикаси; кафедра катта ўқитувчиси: педагогика ва психология (фан кандидати); кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия ва спорт. КОНКУРС МУДДАТИ — 7 НОЯБРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700110, Тошкент шаҳри, Академик В. Решетов кўчаси, 4-уй.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ вақант вазибаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари (фан кандидатлари): инглиз тили грамматикаси ва тарихи, француз тили (кечки-сиртки бўлими), жисмоний тарбия; кафедра катта ўқитувчилари: КПСС тарихи (фан кандидати), махсус курсларнинг чет тиллари кафедрасида инглиз тили, жисмоний тарбия; кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия (4 ўрин), махсус курсларнинг чет тиллари кафедрасида португал тили, махсус курсларнинг чет тиллари кафедрасида инглиз тили.

КОНКУРС МУДДАТИ — 12 НОЯБРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Мухомий кўчаси, 104-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг зоология ва паразитология институти вақант вазибаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лабораторияларининг ичкиничи ходими: ахарди илорлар зоологияси, хашаротлар токсикологияси ва физиологияси, ихтиология ва гидрозоология.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб ўн беш кун.

Хужжатлар куйидаги адресга юборилиш: 100995, Тошкент шаҳри, А. Ниваев кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлигининг ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вақант вазибаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходимлар: ташкилий-методика бўлими, жароҳат оқибатлари бўлими (медицина фанлари кандидати); Кичин илмий ходимлар: иммуно-морфология (бактериология), рентген-диагностика лаборатория (биохимия), қаттиқ жароҳатланган бўлими.

Конкурс муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 78-уй. Телефонлар: 33-10-30; 33-12-35.

### Театр

НАВОНИЯ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/ХИ да Ички дил достони.

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/ХИ да Юдузли тунар.

МУКМИНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/ХИ да Хизматингизга таййимиз.

### Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет цирки усталари иштирокисида катта программа (19.30).

«Ўқитувчи» нашриёти коллективини нашриётнинг катта муҳаррири Фатхулла Ҳамидуллаевич УМИРЗОҚОВНИНГ вафот этганлигини чуқур қаюғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изхор этади.

В. ТИМОШЕНКО.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Орган ЦК Компартии Ўзбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси ва телефонлари: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаханаси.

Р. — 20157. ИНДЕКС 64583. Б. — 253. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12